

 Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Балиқчи тумани

БАЛИҚЧИ ТУМАНИ

Вилоятнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сентябрда ташкил этилган. Наманган вилоятининг Норин тумани ва Андижон вилоятининг Избоскан, Шахрихон, Олтинкўл, Бўз, Улугнор туманлари билан чегарадош. Майдони 0,34 минг км². Аҳолиси 150,8 минг киши. Балиқчи туманида 9 қишлоқ фуқаролари йигини (Алимбек, Балиқчи, Бўстон, Гулистон, Охунбобоев, Сиза, Хўжаобод, Эски Ҳақкулобод, Ўрмонбек) бор. Маркази — Балиқчи қишлоғи.

Табииати: Туман худуди текисликлардан иборат. Январнинг ўртacha харорати минус 4 даражага, июлники 26 даражага. Йилига ўртacha 195 -210 мм ёғин тушади. Вегетация даври 235 кун. Туман худудидан Ўорадарё, Мазғилсой, Чинбодсой ва Катта Андижон канали оқиб ўтади. Тупроғи ўтлоқи бўз, кучсиз шўрланган тупроқ, ўсимликлардан шўра, шувоқ, момакаймоқ, қамиш, мингdevона, янтоқ, юлғун, оқбош, отқулоқ, қирқбўғин, ғумай, қўйпечак, ялпиз ўсади. Эчкемар, тошбақа, тулки, куён, илон, калтакесак, кушлардан лайлак, ўрдак, чумчук, сўфитўргай, қарға, мусича учрайди. □

Аҳолиси: асосан ўзбеклар; руслар, татарлар, тожиклар, уйғурлар ва бошқа миллат вакиллари яшайди. 1 км² га 446 киши тўғри келади.

БАЛИҚЧИ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Ҳокими: Абдурайимов Жасурбек Одилович

Иш вазифаси: Туман ҳокими туманда олий мансабдор шахс бўлиб, айни бир вақтда ҳудудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ўз ваколатларини якка бошчилик асосида амалга оширади. Шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади. □

Телефонлар: 0 (374) 323-10-57 □ **Факс:** 0 (374) 323-10-20

Манзил: 170300, Балиқчи тумани, Балиқчи шоҳ кўчаси, 100 уй

Иш кун вақти ва тартиби: 09:00-18:00 // Обед 13:00 дан 14:00 гача

 ЭХАТ: baliqchi@exat.uz □  Е-mail: baliqchi@andijan.uz

Мурожаатлар учун: 0 (374) 323-10-04 //  ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ: 0 (374) 323-22-11

WEB Site: www.baliqchi.andijan.uz

БАЛИҚЧИ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ □ НИЗОМИ □